


“Ziraat bank Uzbekistan” АЖ
Бошқаруви йиғилишининг
2025 йил “30” сентябрдаги
82-қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”



Бошқарув Раиси

Волкан Гюлдюрмез

“Ziraat bank Uzbekistan” АЖда
Гаров нарсасини қисман озод қилиш ва алмаштириш
ТАРТИБИ

МУНДАРИЖА

- 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.**
- 2.ГАРОВНИ ҚИСМАН ОЗОД ҚИЛИШ ВА АЛМАШТИРИШ АСОСЛАРИ.**
- 3.АРИЗАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ.**
- 4. ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ.**
- 5. ЎЗГАРИШЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ.**
- 6. ИСТЕЪМОЛЧИ ХУҚУҚЛАРИ.**
- 7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Гаров тўғрисида»ги Қонун (№106-П 25.05.1998 й. ўзгартириш ва қўшимчалар билан), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун (№580 05.11.2019 й.), Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг №3030-сонли «Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минимал талаблар тўғрисида»ги Низоми (2023–2024 йй. таҳрирда), ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Тартибнинг мақсади – кредит шартномалари ва гаров билан таъминланган бошқа мажбуриятлар бўйича мажбуриятларни қисман бажарганда гаров нарсасини қисман озод қилиш ёки лозим ҳолларда гаров нарсасини алмаштириш механизмларини белгилаш ҳамда Банк ва миждоз манфаатларининг мутаносиблигини таъминлашдан иборат.

1.3. Ушбу Тартиб Банкнинг барча тузилмавий бўлинмалари ва филиаллари томонидан мажбурий равишда амалга оширилади.

2. ГАРОВНИ ҚИСМАН ОЗОД ҚИЛИШ ЁКИ АЛМАШТИРИШ АСОСЛАРИ

2.1. Гаров предметини қисман озод қилиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

- Асосий қарз, фоизлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлиқ ёки қисман муддатидан олдин/режали равишда қоплаш, бунда миждоз томонидан мажбуриятлар ўз вақтида бажарилганлиги инобатга олиниши шарт;
- Банк олдидаги мажбурият миқдори қолган гаров қисми билан таъминланган даражага камайганда;
- Банкнинг ваколатли органи (Кредит қўмитаси/Бошқарув) қарори мавжуд бўлганда.

2.2. Гаров предметини алмаштириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

- қарздор/гаров қўювчининг ёзма мурожаати мавжуд бўлганда;
- янги гаров предметининг қиймати ва ликвидлиги мажбуриятни тўлиқ таъминлайдиган даражада бўлганда;
- кредит шартномаси шартлари бузилмаган ҳолларда;
- Банкнинг ваколатли органи қарори мавжуд бўлганда.

2.3. Гаров предметини қисман озод қилиш ёки алмаштириш масаласини кўриб чиқилганда Банк виждонлилик ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципларига амал қилади, жумладан:

- шартлар очиклиги, мурожаат қилиш тартиби ва кўриб чиқиш муддатлари;
- мижозларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- мижознинг рад этиш/қаноатлантириш асослари ва тартиби бўйича тушунтириш олиш имконияти.

3. АРИЗАЛАРНИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

3.1. Қарздор Банкка гаровни қисман озод қилиш ёки алмаштириш хизмат кўрсатилаётган Банк офисига ёзма ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3.2. Гаровни алмаштириш аризага қуйидагилар илова қилинади:

- янги гаров предметига доир мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ва унинг мустақил баҳоси (гаровни алмаштириш учун);
- гаров қўювчининг розилиги (агар у учинчи шахс бўлса).

3.3. Гаров/таъминот билан ишловчи офислар ҳужжатларни текшириб, Бош банкнинг Кредитлаш бўлимига хулоса тайёрлайди.

3.4. Мазкур хулоса асосида Бош банкнинг Кредитлаш бўлими Бош банк Кредит қўмитасига билдиришнома тайёрлайди.

3.5. Аризани кўриб чиқиш муддати:

- Бош банк Кредит қўмитаси ваколатида - 7 календар куни, Банкнинг бошқа юқори ваколатли органи томонидан - 15 календар куни;
- Қабул қилинган қарор ҳақида (ижобий ёки рад этиш бўйича) мижозга хабар бериш муддати - 3 банк куни.

4. ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

4.1. Гаров предмети қисман озод қилиш ёки алмаштириш тўғрисидаги қарор ваколатлар даражасида Бош банк Кредит қўмитаси ёки Банкнинг бошқа ваколатли органи томонидан қабул қилинади.

4.2. Гаров предмети қисман озод қилиш ёки алмаштириш қарор билан расмийлаштирилади.

4.3. Қарор асосида офислар томонидан гаров шартномасига қўшимча келишув расмийлаштирилади (гаров предмети алмаштириш жараёнида).

5. ЎЗГАРИШЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

5.1. Агар гаров шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлса (масалан, ипотека, автотранспорт), Банк ваколатли давлат органларига (кадастр, ЙҚХБ ва бошқалар) тегишли ўзгаришларни киритишни таъминлайди.

5.2. Гаров алмаштирилган тақдирда, янги гаров предмети амалдаги қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

5.3. Рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар қарз олувчи/гаров қўювчи томонидан қопланади, агар шартномада бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса.

6. ИСТЕЪМОЛЧИ ХУҚУҚЛАРИ

6.1. Банк мижози қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўхшаш шароитларда гаровни қисман озод қилиш ёки алмаштириш тартибидан тенг фойдаланиш;



- кўриб чиқиш мезонлари ва муддатлари ҳақида ахборот олиш;
- хизматларни танлаш ва улардан воз кечиш.

6.2. Банк ушбу Тартибни қўллаш масалалари бўйича миждозлар ва ходимлар ўртасида очиклик ва тушунтириш ишларини таъминлайди.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Ушбу Тартиб Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган пайдан бошлаб кучга киради.

7.2. Ижроси учун масъулият Бош банкнинг Кредитлаш бўлими, Юридик бошқармаси ва Кредит тахлили ва мониторинги бўлиmlари зиммасига юкланади.

Киритилди:

Кредитлаш бўлими бошлиғи

А.А. Рахимжанова

Келишилди:

Бошқарув Раисининг 1-ўринбосари

О.Э. Эшмурзаев

Муаммоли кредитлар билан ишлаш
ва юридик маслахатлар бошқармаси

Т.Э. Тигай

